

Сўзда ҳам, амалда ҳам ўхшамаймиз



08:31 / 12.05.2020 1201

Валид ибн Муслим айтади: «Дўстларимнинг бири сўзлаб берди: «Иброҳим ибн Адҳамнинг олдига бориб, унга салом бердик. У бошини кўтариб, «Аллоҳим, биздан нафратланма!» деди-да, яна бошини тушириб олди. Сўнг яна бошини кўтариб, «Агар Аллоҳ бизни ёмон кўрмаса, яхши кўради», деди. Яна у: «Биз араб тилида сўзлашамиз, деярли хато қилмаймиз, бироқ амал борасида хатога йўл қўямиз, бу борада соф араб бўла олмаймиз», деди».

Изоҳ: Иброҳим ибн Адҳам: «Биз ажамлар араб тилида равон гаплашсак-да, гаплашишда хато қилмасак-да, амал борасида соф араб бўлган саҳобалар каби бўла олмаймиз. У зотлар амал борасида биздан анча илгариде эдилар», демоқчилар.

Яҳё ибн Маъиндан ривоят қилинади: «Аҳмад ибн Ҳанбалдек инсонни кўрмадим. У билан элик йилдан буён дўст бўлсак, ўзидаги яхшилик ва солиҳ амаллардан бирортаси билан фахрланган эмас».

«Солиҳлар гулшани» китобидан